

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИК ЗАРУРАТИ

**Уразов Мансур Мусурмонович,
ТДИУ “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси**

Аннотация: Мақолада бозор муносабатлари шароитида инновация фаолиятининг асосий масалалари, унинг иқтисодиётни ривожланишига таъсири, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда самарали фойдаланиш шунингдек, илмий-техника тараққиётини ривожлантириш масалалари ёритилган. Миллий ва иқтисодий хусусиятлари билан долзарб ва қатор аниқ мақсадларга эга бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражаси ва сифатини миллий концепциясини шакллантириш зарурияти лозимлигига эътибор қаратилган.

Калитли сўзлар: бозор муносабатлари, инновация фаолияти, иқтисодиётни ривожланиши, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, илмий-техника тараққиёти, миллий ва иқтисодий хусусиятлар, саноат маҳсулотлари, бозор талаблари, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари.

НЕОБХОДИМОСТЬ ИННОВАЦИЙ В ПРОЦЕССЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

**Уразов Мансур Мусурмонович,
старший преподаватель кафедры экономики, ТГЭУ**

Аннотация: В статье освещаются основные вопросы инновационной деятельности, её влияние на развития промышленности, эффективного использования в повышении конкурентоспособности экономики, а также развитие научно-технического прогресса в условиях рыночных отношений. Обращено внимание на настоятельную необходимость формирования национальной концепции уровня и качества производства промышленной продукции, имеющей четкие цели, отвечающей актуальным проблемам и соответствующей целому ряду особенностей – национальных и экономических.

Ключевые слова: рыночные отношения, инновационная деятельность, экономическое развитие, конкурентоспособность экономики, научно-технический прогресс, национально-экономические характеристики, промышленная продукция, требования рынка, производство, услуги.

THE NEED FOR INNOVATION IN THE PROCESS OF IMPROVING THE ACTIVITIES OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

**Urazov Mansur Musurmonovich,
Senior teacher of the Department of Economics, TSEU**

Abstract: The article highlights the main issues of innovation, its impact on industrial development, effective use in increasing the competitiveness of the economy, as well as the development of scientific and technological progress in the conditions of market relations. Attention is drawn to the urgent need to form a national concept of the level and quality of industrial production, which has clear goals, meets urgent problems and corresponds to a number of features - national and economic.

Key words: market relations, innovation activities, economic development, competitiveness of the economy, scientific and technological progress, national and economic characteristics, industrial products, market requirements, manufacturing, services.

Бозор тамойилларидан кенг фойдаланиш шароитида янги технологияларнинг кучайиб бориши, маҳсулот ва хизматларнинг рақобатчилик муҳитига мослашган ҳолда яратилишини тақозо қилмоқда ва бу жараёнда инновация ютуқларидан фойдаланиш тизимини ҳаётий зарурат қилиб қўйди. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили бўлган инновацияларга устувор йўналиш сифатида эътиборнинг қаратилиши амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини сезиларли даражада ўзгариши ва улар фаолиятини бозор талабларига мослаштириш заруриятидан келиб чиқмоқда. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали ривожланишини таъминловчи инновацион фаолиятни бошқаришга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилмоқда. Чунки, инновацион фаолият бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликнинг илғор шакли бўлиб ҳисобланади ва у бозор иқтисодиётида илмий-техника тараққиётини ривожланиши учун реал имкониятлар яратади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда янги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқишнинг реал шароитларга мослашиши, илғор ўзгаришларнинг ўзига хос бошқариш механизмларини шакллантириш ва шу асосда инновацияларни қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу бозор талаби бўлиб, жуда кўплаб энг муҳим иқтисодий муаммолар инновацион фаолиятдан қандай даражада фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Республика Президенти Ш. Мирзиёев 2020 йил 25 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айланишини мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз деб таъкидлаб ўтдилар. Шу нуқтаи назардан қараганимизда, ривожланган хорижий давлатлар ЯИМ таркиби таҳлили, мамлакатимизда келажақда иқтисодиётимиз таркибини такомиллаштириш бўйича, устувор соҳаларни аниқлаш ва уларни ривожлантириш учун бошланғич иқтисодий ахборот бўлиб хизмат қилади.

Агар бозордаги вазиятлар ўзгарадиган бўлса, уни келгусида яхшилаш имкониятларига эга самарали ривожланиш стратегиясини танлаш талаб этилади. Ўзбекистон иқтисодиётини ислох қилишнинг асосини янги технологик базага асосланган саноат тармоқларининг модернизацияси ташкил этади. Саноат корхоналарининг замон талабларига мувофиқ равишда ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари ишлаб чиқариш жараёнини илғор технологиялар билан жиҳозланган техника воситаларидан мақсадли фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат. Янгиликларни жорий этиш иқтисодий ҳаётдаги янада муҳим ҳолат бўлиб бормоқда. Ҳозирги тез ўзгарувчан шароитда корхоналар техник ўзгаришлар билан бир қаторда ёки илгарида бўлишлари ва янгиликларни муваффақиятли тадбиқ этишлари

зарурдир. Илғор ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси унинг иқтисодий кўрсаткичларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади, мана шунинг учун ҳам замонавий технологик жараёнларни мукамал билиш талаб этилади.

Корхона ютуғи технологиянинг ҳолатига боғлиқ бўлиб, у асосий ҳал қилувчи бўғин сифатида ўзини намоён қилади ва рақобатбардошликда ғолиб чиқиш имкониятини яратади. Ишлаб чиқаришни бошқариш, унинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, унинг бўлинмаларини фаолиятини таъминлаб бериш, фан-техника ишланмаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва уларнинг амалиётда ўзлаштирилишини белгилаб олиш, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини миқдорий ва сифат жиҳатдан ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш учун авваламбор, ишлаб чиқариш ҳақида, унинг тузилиши, илғор технологик жараёнлар тўғрисида аниқ тасаввурларга эга бўлиш талаб этилади.

Янги технологиялар ва маҳсулотлар самарадорлигини баҳолаш асосида саноат корхоналарининг иқтисодий ўсишга ва рақобатбардошлигига йўналтирилган фаол инновацион сиёсатни амалга ошириш учун тегишли ташкилий таъминотни ишлаб чиқиш зарур. Ушбу мақсадда корпоратив тузилмада маҳсулот ва технологик янгилик-ларни ишлаб чиқиш, баҳолаш, танлаб олиш ва жорий этишнинг қонуний жараёнларини акс эттиришга эришиш имконини берувчи воситалардан фойдаланиш зарур. Бунда инновацион ўзгаришларни бошқариш бўйича объектив зарур функцияларни аниқлаш, мазкур функцияларни бўлимлар, раҳбарлар ва бўлинмалар ўртасида оптимал даражада тақсимлаш, инновацион ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида хизматлар ва мансабдор шахслар ўртасида ташкилий тартиботларни, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва жавобгарликни ўрнатиш масалаларни илмий-услубий жиҳатдан ишлаб чиқиш талаб этилади. Чунки, ишлаб чиқаришга жалб қилинган технологиялар, бирор-бир жараённинг технологик имкониятлари, корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турларини билмасдан туриб, белгилаб олинган вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаб бўлмайди. Ишлаб чиқаришга оид технологик жараёнларни ривожлантириш қонуниятларини ўрганиш ишлаб чиқаришнинг фан-техника динамикаси бўйича янгиликларни ўзлаштириб олиш ва алоҳида ишлаб чиқариш ва тармоқлар билан бир қаторда умуман иқтисодиётни фан-техника ривожлантиришни эътиборга олган ҳолда, иқтисодий қарорлар қабул қилишга кенг имкониятлар яратади.

Саноат корхоналарининг инновация фаоллиги истикболда унинг рақобатбардошлик стратегиясини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири бўлиши мумкин. Инновацияларнинг жорий этилиши ишлаб чиқариладиган товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ривожланишнинг юқори суръатлари ва даромадлилик даражасини сақлаб туришнинг ягона бир усули сифатида кўрилади. Корхона томонидан инновацияларнинг амалга оширилиши ҳозирги замонавий шароитларда бозорда унинг рақобатбардошлиги кучайи-шини белгилаб беради. Мувофиқ

равишда, корхонанинг инновацион фаолияти қанчалар жадал бўлса, унинг рақобат устунлиги ҳам шунчалар юқори бўлади.

Корхонанинг инновация фаоллиги инновацияларнинг самарадорлиги ва мунтазамлиги билан, янгиликларни яратиш ва уни амалиётга жорий этиш ишлари динамикаси билан тавсифланади. Субъектнинг (давлат, тармоқ, корхона) инновация фаоллик даражасини баҳолаш орқали унинг рақобатбардошлиги ва умуман, унинг тараққиёти натижаси тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Корхонанинг инновация фаоллиги қанчалик юқори бўлса, шунга боғлиқ равишда, унинг фаолияти ва самарадорлиги ҳам мақсадга мувофиқ. Шундай экан, корхонада инновацияларни амалга оширишни жадаллаштириш чораси сифатида инновация фаоллиги унинг самарадорлигининг замонавий стратегик тавсифидир.

Мустақиллик йилларида машинасозлик ва автомобилсозлик, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати, фармацевтика ва мебелсозлик, телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобил телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби тармоқлар жадал тараққий этиб саноатимизнинг локомативларига айланди. Буларнинг барчаси халқимизнинг юқори технологияли саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини маҳаллий ишлаб чиқарилган арзон ва сифатли товарлар ҳисобидан қондиришга хизмат қилмоқда.

Юқорида қайд этилган соҳалар ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизация қилиш ва илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Шу боис саноат корхоналарига энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифаларидан бири сифатида долзарблигича қолмоқда.

Шундан келиб чиқиб, 2017 йилда реал секторнинг 120 мингдан ортиқ корхонасида ишлатилаётган 80 мингдан зиёд ускуналар бўйича техник аудит ўтказилди. Натижада мавжуд ускуналарнинг 30 фоиздан кўпроғи эскирганини, жумладан, электротехника саноатида 44 фоизи, машинасозлик тармоғида 37 фоизи, кимё саноатида 21 фоизи, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 20 фоизи, озиқ-овқат саноатида 19 фоизи, енгил саноатда 8 фоизи замонавийсига алмаштирилиши зарурлигини кўрсатди. Бугунги кунда эса ушбу ҳолатлар инобатга олиниб, мазкур корхоналарда модернизациялаш тадбирлари босқичма-босқич бажарилмоқда. Саноат корхоналари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида иқтисодий ночор ишлаб чиқариш субъектларини тижорат банклари ёрдамида қайта тиклаш бўйича яратилган тизим амалда ўзини тўла оқлаганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар йўналишларидан бири саноат мажмуидаги таркибий ўзгаришлар ҳисобланади. Саноат тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва таркибий қайта тузиш жараёнлари билан ифодаланади. Мамлакат таркибий сиёсатининг бош мақсадларидан бири ҳам саноатда таркибий қайта тузишни амалга ошириш орқали Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат.

Инновацион жараёнлар таҳлилига эътибор бериш жараёнида улкан корхоналар томонидан инновацион фаолликка жиддий ёндашиш ҳолатлари қайд қилинганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, иқтисоди ривожланган мамлакатларда йирик корхоналарнинг ҳар ўнтадан саккизтаси инновацион ғояларни зудлик билан ишлаб чиқаришга татбиқ қилар экан. Давлат инновацион ривожланишни қўллаб-қувватлайди ва натижада ички харажатларнинг катта қисмини қоплайди ва бу расмда қайд қилинган.

Жадвалдан кўриниб турганидек, Европа иттифоқи мамлакатларида бу кўрсаткич – 56 %, АҚШда - 63 %, Японияда – 74 %га етган. Ривожланган мамлакатларда инновацияларни билимларга эга бўлиш интеллектуал мулк ва инновацион инфратузилма объектлари бозорларини шакллантириш ҳисобига эришилмоқда. Бунинг учун уларда инновация марказлари, янги технологиялар, технологияларнинг минтакавий марказларини ривожлантириш ҳисобига университетлар билан реал корхоналар ўртасида кооперациявий алоқани ривожлантиришга катта эътибор берилиб, бжараён ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистонда ҳам инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўладиган молиявий, фан-техника ва бошқа ресурсларда корхонанинг янгиликларни яратиш ва уларни амалиётган жорий этиш кучайтириш масалаларига диққат-эътиборни қаратиш лозим бўлади. Чунки, ҳозирда саноат корхоналари инновация фаоллиги талаб даражасида эмаслиги кўпчиликка сир эмас.

Кўпчилик корхоналар учун хусусий маблағлар инновациялар манбаи ҳисобланади, сабаби узоқ муддатли кредит-ларни жалб этиш анча мураккаб. Хусусий маблағлар етарли бўлмайди ва инновация жараёни сифати ҳар доим ҳам замон талабларига мос келавермайди. Тармоқ корхоналарининг хусусийлаштирилиши ва акционер-лаштирилиши, уларнинг илмий ташкилотлар билан кооперацияла-шувининг янги шакллари, илмий йўналишларни селектив қўллаб-қувватлашнинг янги намуналаридан фойдаланиш, хусусан, ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш асосида, турли-туман манбалардан маблағларни жалб этиш илмий институтларнинг янги, замонавий бозор муносабатларига кўпроқ мувофиқ келадиган ташкилий моделларини яратишга ёрдам бермоқда.

Инновация фаоллигини баҳолаш муаммосига ёндашувлар таҳлили кўриладиётган тавсифнинг нақадар кўп қиррали экани ҳақида ҳулоса чиқариш ва муаммонинг барча томонларини қамраб олувчи, бир вақтнинг ўзида барча учун тушунарли ҳамда тадқиқ этиш мумкин бўлган унинг интеграл кўрсаткичларини моделлаштиришга имкон беради. Бошқача айтганда, инновация фаоллигини баҳолашга шундай ёндашув талаб этиладики, бунда у бир томондан инновацион фаоллиқнинг барча жиҳатларини ифода этсин, бошқа томондан эса, ахборотлар билан ҳаддан зиёд юклаб ташланмаган ва фақат корхона учун ҳақиқатан ҳам стратегик аҳамиятга эга нарсаларни қамраб олсин.

Хорижда инновация жараёнлари бир неча ўн йиллардан буён ўрганилмоқда. Европада корхонанинг инновация фаоллигини ўрганиш

юзасидан “Осло қўлланмаси” (Proposed Guidelines for Collecting and Interpreting Technological Innovation Data: Oslo Manual. Paris: OECD, Eurostat, 1997)га риоя этилади. Бунда сўз “техноло-гиялар” инновациялари устида юритилади ва фақат янги маҳсулотлар ва жараёнлар ҳамда улардаги технологик ўзгаришлар кўриб чиқилади. Агар инновация бозорга ёки ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилган бўлса, у амалга оширилган деб ҳисобланади. Инновация сифатида ҳисобга олиш учун минимал шарт шундан иборатки, маҳсулот ёки жараён фирма учун янги (ёки нисбатан такомиллаштирилган) бўлиши лозим.

Муваффақиятли инновация фаолиятини олиб боровчи саноат корхоналари таҳлили инновацияларни ишлаб чиқиш учун ундовчи энг асосий куч менежментнинг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишга қаратилган истак ва интилишлари ҳисобланади. Бошқача айтганда, корхонада янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш учун ресурслар ажратишга тайёр ва мунтазам равишда барча ходимларни инновацияларга қизиқишларини кучайтирувчи етакчи-новатор бўлиши лозим¹.

Инновация стратегиясининг таркиби ва теранлигини тавсифлашда корхона раҳбариятига салбий таъсирлар (заиф томонлар)га ўз вақтида муносабат билдириш ва ижобий йўналишлардан самарали фойдаланишга имкон берувчи муҳит қиёфаси таҳлил қилинади. SWOT-таҳлилда дастлаб кучли ва заиф томонлар, шунингдек, хавф ва имкониятлар, сўнгра эса – келгусида корхонанинг инновацион мақсадлари ва стратегияларига таъриф беришда фойдаланиш мумкин бўлган улар ўртасидаги алоқалар занжири аниқлаб олинади.

Инновацион фаолиятни ташкил этиш жараёни юқорида қайд этилганларнинг ўзи билан чекланиб қолмайди. Технологик инновацияларнинг техник-иктисодий асоси, инвестициялар манбалари, ресурслар таъминоти, инновацион лойиҳанинг инвес-тицияларни ўзига торта олиш баҳоси, лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган маблағларни сарфлаш хатари баҳоси, қалтисликлар омиллари баҳоси кабилар инновация дастурини амалга оширишда муҳим ҳисобланади.

ЯИМни ўсиши унинг таркиби бўлган қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва хизматларни ривожланиши билан боғлиқ. Ривожланган хорижий давлатларда ЯИМ таркиби қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва хизматларни инновацион ривожланиши асосида шаклланган деб қараш мумкин ва бу таркиб Ўзбекистон ЯИМ таркибини такомиллаштиришда муҳим ахборот ҳисобланади. Шунга биноан мамлакатимиз ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 10-15% оралиқда, саноатники 25-28%, хизматларники 55-60% оралиқда бўлишига келажакда эришишни стратегик масала деб қараш мақсадга мувофиқ;

Саноатни ривожланиши бшқа соҳаларни ривожланишига туртки беришини инобатга олсак, уни ривожланишига устуворлик бериш,

¹Коммерциализация технологий: российский и мировой опыт. -М.: ЗелО, 2007. 376 с.

машинасозлик, электротехника, электроника ва кимё тармоқларини хорижий илғор технологиялар асосида ривожлантириш, саноат соҳасида юқори технологик, экспортга махсулот ишлаб чиқарувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларини махсус барпо этилган кичик саноат зоналарига жалб этиш орқали ривожланишини таъминлаш, эркин иқтисодий ва индустриал зоналарни ташкил этиш, инновацион инфратузилма объектларини босқичма-босқич ташкил этиш саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. Тошкент “Маънавият” 2017. 110 бет.
2. Пиндайк Р., Рубинфельд Д. Микроиқтисод. –Т.: Шарқ, 2002. 19-б.
3. Blanke J., Paua F/ Sala-I-Martin X. (2003). The Growth Competitiveness Index, CHAPTER 1.1. Analizing Key Underpinnings of Sustained Economic Growth.
4. Коммерциализация технологий: российский и мировой опыт. -М.: ЗелО, 2007. 376 с.
5. Власкин Г.А. Ленчук Е.Б. Промышленная политика в условиях перехода к инновационной экономике: опыт стран Центральной и Восточной Европы и СНГ. М.:Наука 2006. – 246с.